

ҚУРИЛИШДА БАҲОЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Б.БОЗОРОВ

*Тошкент Давлат иқтисодийёт университети
мустақил изланувчиси*

Марказлаштирилган капитал қуйилма (инвестиция)лар ҳисобига молиялаштириладан объектлар қурилишида нархлар ошиши муаммоларини муваффақиятли бартараф этиш учун бу ерда баҳоларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан қуйида ана шулар тўғрисида тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз. Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, бизнинг назаримизда, қурилишда баҳоларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Қурилиш объектлари габарит (ўлчам)лари, майдонлари, қаватлилиги, конструктив элементларнинг материаллари бўйича бир биридан фарқ қилади. Бу типли лойиҳалар асосида қуриладиган объектларга ҳам тегишлидир. Чунки уларнинг ҳар бири ўзлари бириктирилган маҳаллий шароитларга боғлиқ ҳисобланади. Бу ўринда ушбу масалада индивидуаль лойиҳалар асосида қуриладиган объектлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Демак, булардан яққол кўриниб турибдики, амалда ҳар бино ва иншоот ўзининг индивидуаль (алоҳида) баҳосига эга бўлади;

2. Қурилишда, саноатдан фарқли ўларок, одатда, баҳолар тугалланган объект ёки алоҳида иншоотга нисбатан белгиланмасдан, балки, асосан, қурилиш монтаж ишларининг алоҳида олинган турлари ёки конструкциянинг тугалланган элементларига нисбатан ўрнатилади. Бу шу билан изоҳланадики, объектни қуриш жараёнида тор доирада ихтисослашган катта миқдордаги пудратчи ва субпудратчи ташкилотлар иштирок этади. Буларнинг маҳсулоти бўлиб сотувга тайёр бўлган объект эмас, балки улар томонидан бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг алоҳида турлари ҳисобланади. Бажарилган ишлар қийматидан таркиб топган ёки алоҳида иншоотлар қийматидан иборат бўлган тугалланган объектнинг баҳоси, асосан, буюртмачи, инвестор ва қурувчи ташкилот (фирма) учун аҳамият касб этади;

3. Қурилиш ёки монтаж ишларининг баҳосига қўлланиладиган қурилиш технологиялари ва асбоб-ускуналар катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бир хилдаги қурилиш-монтаж ишларининг баҳоситурли қурилиш ташкилот (фирма)ларида турлича бўлиши мумкин. Объектни лойиҳалаштиришнинг дастлабки босқичларида унинг қийматини аниқлашда ўрталаштирилган (кўп ҳолларда меъёрий) баҳолашлар жойлаштириладики, улар қурилиш материалларига нисбатан таркиб топган баҳоларнинг даражасини, иш ҳақининг амалдаги даражасини ва энг кўпроқ тарқалган қурилиш технологияларини ҳисобга олади;

4. Қурилиш ишлаб чиқариш циклининг узок давом этиши билан фарқланади. Бундан кўриниб турибдики, лойиҳавий баҳо ҳақиқатдаги баҳо билан мос келмайди. Бу, айниқса, инфляция шароитида яққол кўринади ва шунинг ўзи қурилишда баҳоларни шакллантиришда вақт омилини ҳисобга олинишини тақозо этади;

5. Қурилиш маҳсулотлари юқори материал сиғими ва катта миқдордаги меҳнат харажатларига эга эканлиги билан характерланади. Шу муносабат билан қурилишдаги баҳолар ҳақиқатдаги таннархга қараб эмас, балки сметавий қийматга боғлиқ равишда шаклланади. Шунингдек, бу ерда баҳоларнинг таркибий элементлари материаллар ва бошқа ресурсларни сотиб олишнинг ҳақиқатдаги даражасини ўзида акс эттирмаслиги мумкин. Бу эса, ўз навбатида, қурилиш материаллари ва меҳнат ресурслари баҳолари ўзгариши ҳамда уларнинг қурилиш маҳсулотлари таннархига қандай таъсир қилаётганини тизимли равишда кузатиб бориш зарур эканлигини тақозо этади;

6. Қурилишда баҳоларни шакллантириш бир пайтнинг ўзида лойиҳаловчи, буюртмачи ва пудратчи томонидан амалга ошириладики, уларнинг ҳар бири бу ерда ўз-ўзларининг тижорий мақсадларини ҳам кўзда тутди. Шунинг учун ҳам қурилиш маҳсулотининг якуний баҳоси, ўз моҳиятига кўра, қурилиш жараёнида иштироки этувчи барча субъектлар ўртасида муросавий баҳони англатади.

Фикримизча, юқорида қайд қилинган ҳолларнинг ҳисобга олиниши мамлакатимизда, жумладан, марказлаштирилган капитал қуйилма (инвестиция)лар ҳисобига молиялаштириладан объектлар қурилишида нархлар ошиши муаммоларини муваффақиятли бартараф этиш борасида тўғри ва асосли қарорларнинг қабул қилинишига олиб келади.

